ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

*Қўлёзма ҳуқуқида*
*УДК* 33М:327(575.1)

ҒАЙРАТОВ АНВАРЖОН БАХРИДДИН ЎҒЛИ

# ЎЗБЕКИСТОНДА ИҚТИСОДИЙ ГЛОБАЛЛАШУВИНИ ИНСТИТУЦИОНАЛ ЎЗГАРИШЛАРИ ВА СТРАТЕГИК ХАРАКАТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ БОСҚИЧЛАРИ ТАҲЛИЛИ

**Мутахассислик: 5А231101 – "Жаҳон иқтисодиёти (минтақа ва фаолият турлари бўйича)" мутахассислиги бўйича**

Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация

**Илмий раҳбар:**
и.ф.д., проф. Бекмурадов А.Ш.

**ТОШКЕНТ – 2021**

Ушбу диссертацияда иқтисодий глобаллашув ва институционал ўзгаришларнинг назарий асослари ўрганилган, Ўзбекистон иқтисодиётининг глобаллашув жараёнинн, институционал ўзгаришлар ва стратегик ҳаракатларни динамикаси таҳлил қилинган, Ўзбекистон иқтисодиётидаги глобаллашув ва институционал ўзгаришларнинг истиқболли йўналишлари ёритилган.

In this dissertation, the theoretical bases of economic globalization and institutional changes are studied, the dynamics of the process of globalization of the Uzbek economy, institutional changes and strategic actions is analyzed, prospects for globalization and institutional change in the economy of Uzbekistan are developed.

Магистрлик диссертация иши "Жаҳон иқтисодиёти" кафедрасида дастлабки ҳимоядан ўтган. _______- сонли баённома «____»________2021 й.

Илмий раҳбар: и.ф.д., проф. Бекмурадов А.Ш. ____________ 28.06.21
имзо сана

Магистр: А.Б.Ғайратов ____________ 28.06.21
имзо сана

**"Ҳимояга тавсия этилади"**
"Жаҳон иқтисодиёти" кафедраси
мудири доц. Н.С.Исмаилова ____________
" 28 " ~~май~~ 06 2021 йил

Ҳимоя 2021 йил " 28 " 06 соат 14:00 да Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бўлиб ўтади.

# МУНДАРИЖА


**КИРИШ**......................................................................................................**3**

**I БОБ. Иктисодий глобаллашув ва институционал ўзгаришларнинг назарий асослари**......................................................................................**7**

1.1. Иктисодий глобаллашувнинг моҳияти ва назарий асослари........................7

1.2. Институционал ўзгаришларнинг назарий асослари...................................14

Биринчи боб бўйича хулосалар.............................................................................27

**II БОБ. Ўзбекистон иктисодиётининг глобаллашув жараёнини, институционал ўзгаришлар ва стратегик ҳаракатларни динамикасининг таҳлили**......................................................................................**28**

2.1. Ўзбекистон иктисодиётининг глобаллашув жараёни динамикаси ва унинг таҳлили........................................................................................28

2.2. Ўзбекистон иктисодиётида институционал ўзгаришлар ва стратегик ҳаракатлар динамикаси таҳлили.........................................................37

2.3. Ўзбекистоннинг глобал индекслардаги мавкеининг динамик таҳлили.....45

Иккинчи боб бўйича хулосалар..............................................................................58

**III БОБ. Ўзбекистон иктисодиётидаги глобаллашув ва институционал ўзгаришларнинг истикболли йўналишлари**.............................................**60**

3.1. Миллий иктисодиётни глобаллашувининг яқин ва ўрта истикболдаги устувор йўналишлари..............................................................................60

3.2. Институционал ўзгаришларнинг истикболдаги иктисодиётнинг саноатлашувига таъсирининг сценарийлари..............................................70

3.3. Ўзбекистоннинг глобал бозорларга чиқишининг институционал истикболлари..............................................................................................80

Учинчи боб бўйича хулосалар................................................................................92

**ХУЛОСА**......................................................................................................**94**

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**.............................................**97**

# КИРИШ

**Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.** XI аср охиридаги Жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг асоси тенденцияларидан бири – бу глобаллашув бўлаяпти. Илгари милли хўжаликлар ўртасидаги муносабатлар кўпроқ минтақавий ташкилотлар ёк давлатлараро иккиёқлама шартомалар асосида ривожлантирилган бўлса иқтисодиётнинг умумбашарий тус олиши натижасида бу жараён янад чуқурлашиб, мамлакатлар иқтисодиётининг ўзаро боғлиқлик даражаси ортди Глобаллашув аввало, ривожланган мамлакатлар ўртасидаги ижтимоий иқтисодий, сиёсий муносабатларда намоён бўлиб, у кейинчалик ўз ичига ривожланаётган давлатлар миллий хўжалигини ҳам қамраб олди.

Глобаллашувнинг луғавий асоси инглизча глобал – жаҳонга оид умумжаҳон, деган маънони англатиб, дунё ижтимоий- иқтисодий ва сиёсий ҳаётидаги замонавий жараёнларни умумлаштирувчи маънони беради. Глобаллашув дунёнинг турли давлатлари тараққиётида ўзининг ижобий ва баъзан салбий таъсирини ҳам кўрсатмоқда. Глобаллашув тушунчаси давлатлар ўртасида товарлар ва ишлаб чиқариш омиллари ҳисобланган меҳнат, капитал, моддий, инновацион ресурслар ва тадбиркорлик қобилиятларининг еркин ҳаракати таъминланиши билан изоҳланади.2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналиши иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш бўлиб, тадқиқот мавзумизнинг долзарблигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси ҳозирги вақтда иқтисодийислоҳотлар даврини бошдан кечирмоқда. Ушбу вазиятда фан олдида миллий иқтисодиётнинг глобаллашувини доимий равишда таҳлил қилиш орқали иқтисодий ислоҳотлар натижасини баҳолаш вазифаси туради.

**Тадқиқот ишининг объекти ва предмети.** Тадқиқот ишининг объекти - Ўзбекистон иқтисодиётининг глобаллашуви шароитидаги институционал ўзгаришлар ва стратегик ҳаракатлар динамикаси ҳисобланади.